2011 йил 30 май, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (11.915)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ САИД АҲМАД ВА ТАНИҚЛИ ШОИРА САИДА ЗУННУНОВА ХОТИРАСИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҲАЙКАЛ ЎРНАТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган адиблар – Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг умр йўлдоши, таниқли шоира Саида Зуннунованинг бетакрор ижодий мероси, ибратли ижтимоий фаолияти билан ўзлигимизни англаш, ёш авлодни она Ватанга севги ва садоқат туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги катта ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига ҳайкал ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2.Ўзбекистон Бадиий академияси бир ой муддатда тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳайкални яратиш бўйича ижодий танлов эълон қилсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

3.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайкални яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китобларга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси ҳисобидан қопланишини таъминласин.

4.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 27 май*

## ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Бухорий халқаро маркази ҳамда Тошкент ислом университети ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти» лойиҳаси доирасида чоп этилган китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, манбашунослар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Имом Бухорий халқаро маркази раҳбари, профессор У.Уватов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида юртимизда миллатлараро ва диний конфессиялараро тотувлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, барча фуқароларнинг виждон эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, ёшларни бағрикенглик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Шуни мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда маҳаллий мебелсозларимиз бозор ва харидор талаблари асосида изланишиб, сифатли ҳамда рақобатбардош мебель турларини кўпайтиришмоқда, дизайнига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу боис ҳам бундай товарларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Энг муҳими эса илғор технологиялар асосида тайёрланаётган замонавий мебеллар кўриниши, мустаҳкамлиги, сифати билан четдан келтирилаётган шундай маҳсулотлар билан бемалол рақобатлашмоқда.**

**2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили**

## ХАРИДОРБОП МЕБЕЛЛАР

Бу биринчи навбатда тадбиркорларимизга ҳар томонлама яратилаётган имкониятлар самараси бўлса, иккинчидан улардан унумли фойдаланаётган ишбилармонларимизнинг билими, малакаси ортиб бораётгани, хорижий технологик линиялар, замонавий дастгоҳ ва ускуналар қувватини ишга солаётгани, ички ҳамда ташқи бозорни тинмай ўрганаётгани натижасидир.

Президентимиз соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг Олмазор туман босқичида иштирок этиб, «Энг ёш тадбиркор» номинацияси ғолиблигини қўлга киритган «ILK NUR OMAD» масъулияти чекланган жамиятининг ташкил этилганига бир йилдан ошди. Лекин корхона цехларида тайёрланаётган мебель маҳсулотлари буюртмачилари сафи ортиб бораётганлиги уларнинг муваффақият сари одимлаётганидан дарак бериб турибди.

— Аввало шуни айтишим лозимки, — дейди корхона директори Иброҳим Тўлаганов, — биз кадрлар танлашга катта эътибор қаратганмиз. Бугунги кунда жамоамизда меҳнат қилаётган 10 нафар мебелсознинг маҳорати етарли. Улар ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот сифатини таъминлай олади. Маҳсулот тайёрлаш жараёнида ишни пухта бажариш, буюртмачи талабини ҳисобга олишга ҳамиша амал қилинаётгани боис ҳам мижозларни жалб эта олаяпмиз. Ҳозирда Хитойдан келтирилган ҳамда маҳаллий дастгоҳлардан фойдаланяпмиз. Лекин келгусида замон талаби асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги технологик линиялар келтириш, уларнинг қувватини ишга солиш ниятимиз бор. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида банкнинг молиявий кўмагидан фойдаланишни, шу асосда иқтидорли ёш усталар тайёрлаб, иш ўринлари яратишни кўзда тутаяпмиз.

Цехларда тайёрланаётган ётоқхона, меҳмонхона, ошхона мебель тўпламларининг турлари кўпайиб боришида дизайнерлар маҳорат кўрсатишмоқда. Жорий йилда ҳам бир неча турдаги мебеллар харидорларга тортиқ этилади. Ишлаб чиқарилаётган мебеллар пойтахтимизда мебель дўконлари орқали харидорларга етказиб беріляпти. Шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан буюртмалар ортиб бормоқда.

Келгусида ўз фирма дўконларига эга бўлишни режалаштирган тадбиркорлар ҳозирда корхона қошида кўргазма зали ташкил этишган. Бу ерга ташриф буюрган харидор ва буюртмачилар қулайликдан баҳраманд бўлиш, яъни хоҳлаган мебель турига буюртма бериш баробарида талаб ҳамда таклифларини ҳам билдиришлари мумкин. Бу янги маҳсулот тайёрлашда мебелсозларга қўл келмоқда.

Айни пайтда талабларга мос мебель турларини кўпайтираётган тадбиркорлар асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланишмоқда. Бу эса маҳсулот таннархининг ҳам талабларга мос, аҳоли эҳтиёжига яраша бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: мебелсозлар имкониятларни ишга солишмоқда.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни**

## ТАБИАТ ҚЎЙНИГА САЁҲАТ

**Юртимизда давом этаётган «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» ҳафталиги доирасида «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманига саёҳати ташкил этилди.**

Болаларни ёзги таътил даврида соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича амалга оширилаётган эзгу ишларда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатларнинг ўқувчилари, кам таъминланган, серфарзанд оила ўғил-қизларининг ҳордиқ чиқаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ёзги таътил даврида болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга оид тизимли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ижтимоий кўмакка муҳтож болалар учун фан, бадиий ижодиёт, спорт-соғломлаштириш тўгараклари, ижодий фестиваллар, кўргазмалар, ижтимоий акциялар, спорт мусобақалари ташкил этиш, оромгоҳларда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида қизиқарли учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган.

– Сўлим ва хушманзара гўшаларга экскурсия ташкил этиш болалар учун фойдали, ҳам мароқлидир, – дейди пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Муниса Абдуллаева. – Бундай саёҳатлар болаларда атроф-муҳитга, она-табиатга, жонажон Ватанимизга меҳр уйғотишда, саломатлигининг янада яхшиланишида, қатъияти, иродаси, ўзига бўлган ишончининг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлади.

**(ЎзА)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** «Тошкентленд» болалар истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ҳар бир фарзанд меҳр, эътиборда!» шиори остида шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ўтказилди.

✓ **ЁШЛАР** ижод саройида ёш рассом, «Навқирон Ўзбекистон-2010» анъанавий ва замонавий санъат фестивали совриндори, «5+1» ёш рассомлар ижодий бирлашмаси аъзоси Нигора Шарафхўжаеванинг «Энигма» шахсий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

✓ **БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан «Ҳамшира-2011» кўрик-танловининг шаҳар босқичи уюштирилди.

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Шаҳрисабз туманида «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик- танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган ушбу танловда республикамизнинг вилоятларидан ҳудудий босқичларда ғолиб чиққан мактаблар иштирок этди. Танловда Урганч шаҳридаги 5-мактаб жамоаси ғолибликни қўлга киритди.**

● **Самарқандда республикамиздаги маданият, санъат, мусиқа коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган анъанавий республика кўрик-танлови якунланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ўтказилган ушбу тадбирда 700 нафардан зиёд ёш истеъдод соҳиблари халқ чолғулари, академик ижрочилик, анъанавий хонандалик ва созандалик, эстрада, рақс, театр санъати йўналишларида ўз истеъдодларини намойиш этдилар.**

● **«Ниҳол» мукофоти учун ўтказилаётган жорий йилги ижодий танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи қизғин ўтди. Унда бешта йўналиш бўйича 107 нафар истеъдодли йигит-қиз қатнашди.**

● **Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Ҳамшира — 2011» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

● **«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози - 2011» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Ёшларнинг ижодий, илмий ва ижтимоий фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказаётган танловнинг жорий йилдаги Фарғона вилояти шаҳар ва туман саралаш босқичларида 7 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.**

● **Наманган вилоятидаги «Попдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида лойиҳа қиймати 575 минг АҚШ долларилик модернизация тадбирлари амалга оширилди. Натижада бу ерда ишлаб чиқариш қуввати уч баробарга ортиб, илғор технологиялар асосида йилига 42 миллион сўмлик электр энергияси тежаладиган бўлди.**

### ЖАҲОНДА

● **Кеча Сербиянинг Белград шаҳрида яқинда ҳибсга олинган, инсониятга қарши жиноятлар ва геноцидда айбланаётган генерал Радко Младичнинг ўн мингга яқин тарафдорлари томонидан генерални озодликка чиқаришни талаб қилган ҳолда норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойишчиларнинг полициячилар билан тўқнашувлари чоғида 30 га яқин киши жароҳатланди, 100 дан ортиқ намойишчи ҳибсга олинди.**

● **Ягона асосий рақиб — Осиё футбол конфедерацияси раҳбари Муҳаммад бин Ҳаммамнинг ўз номзодини қайтариб олганлиги боис 1 июнда ўтказиладиган ФИФА президентлигига сайловларда Йозеф Блаттер тўртинчи муддатга ҳам ўз вазифасини сақлаб қоладиган бўлди.**

● **«Boing» самолётсозлик корпорацияси «Орзулар лайнери» номли «Dreamliner — B-787» ҳаво кемасининг синов парвози Японияда ўтказилишини маълум қилди. Жорий йилнинг 4 июлида ҳавога кўтариладиган самолётнинг Токио, Хиросима, Осака ва Окаяма шаҳарлари бўйлаб парвозларни амалга ошириши режалаштирилган. Янги авлод самолёти ҳисобланмиш мазкур авиалайнер 333 йўловчига мўлжалланган бўлиб, тўхтовсиз 14 минг километр масофани босиб ўта олади.**

● **Россиянинг Қозон шаҳрида умумий мукофот жамғармаси 400 минг евро бўлган жаҳон шахмат тожи даъвогарларининг 3 босқичли саралаш мусобақаси якунланди. Рақибини енгган исроиллик Борис Гельфанд келгуси йили жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Анандга қарши жаҳон чемпионлиги учун беллашувда баҳс юритади.**

● **Мутахассисларнинг замонавий ускуналар ёрдамида Нил дарёси атрофида олиб борган изланишлари натижасида Мисрда олимлар томонидан илгари фанга номаълум бўлган 17 та эҳром, мингдан ортиқ қабр ва 3 мингдан зиёд қадимги қишлоқлар қолдиқлари топилди.**

**Бугунги кунда пойтахтимиздаги 300 дан зиёд маҳаллада фуқаролар йиғинларининг янги таркиби сайланди. Аҳоли ишончига оқсоқоллар қаторида уч мингдан ортиқ маслаҳатчи ҳам сазовор бўлди.**

Фуқаролар йиғини сайлови

# ҲАР ДОИМ КЎМАК ВА ТАЯНЧ БЎЛИШ

Айтиб ўтиш жоизки, улар ўз маҳалладошлари олдида бор куч-ғайратини бирлаштирган ҳолда маҳаллани янада обод қилишга, муҳтожларнинг ижтимоий манфаатларини қаноатлантириб боришга, одамларга оғир дамларда кўмак бўлишга, хуллас, юксак ишонч билдирган кишилар манфаати билан яшашга сўз беришди.

«Дамариқ» маҳалласи аҳли бошланган хайрли ишлар давом эттирилишини истаган ҳолда ва албатта, катта авлод вакиллари ва ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликка миннатдорлик рамзи сифатида Мирвали Турсуновни кейинги муддатга ҳам йиғин раиси этиб сайлашга қарор қилишди. 19 та кўча ва 21 та кўп қаватли уйда истиқомат қилувчилар номидан сайловда иштирок этган деярли барча вакиллар Мирвали Турсуновга овоз беришди.

Маълум бўлишича, бундай ишончнинг сири оқсоқол маҳаллада узоқ йиллар давомида илгари сурилаётган ҳикматга, яъни «Дамариқ» ҳаммага таянч ва кўмак бўлишига амал қилаётганида экан.

Тамара Кучлиярова ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирларида ягона фарзандиникида меҳмон бўлиш ниятида Тошкентга келганди. Қарангки, орадан йигирма йилдан кўп вақт ўтган бўлсада, бугун 85 ёшни қаршилаётган бу онахон Ўзбекистонни иккинчи Ватани деб билади.

— Албатта, аввалambор бу ерда ўғлим яшаётгани учун шундай қарорга келдим. Аммо яна бир сабаб бор. Ўзига хос қўшничилик одати – маҳалла ҳисси мени бу юртга янада мафтун этди. Одамлар меҳридан ҳануз тўймайман, — дейди Тамара Степановна. — Ўзбекистон билан мени яқин ришталар боғлайди. Турмуш ўртоғим ўзбек бўлган. Биз фронтда танишганмиз. Урушдан кейин бирга Ўзбекистонга қайтдик. Фарзандли бўлдик. Кейинчалик тақдир тақозоси билан туғилиб ўсган юртим – Украинага қайтишимга тўғри келди... Бугун менинг Тимур исмли набирам ҳам бор. У Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ўқийди. Ўғлим ҳам, неварам ҳам фақат ўзбек тилида сўзлашишади. Бу ердан кетиш ҳақида уларнинг дилида ҳаттоки ният ҳам бўлмаган. Шунинг учун қарилик гаштини фарзандларим бағрида суришни истадим. Қолаверса, Тошкентда мени яна бир катта оила ўз бағрига олган – бу «Дамариқ» маҳалласи. 1500 дан зиёд оилани бирлаштирган бу маҳалла мен учун жуда қадрдон. Мирвали Турсуновни катта ўғлим деганман. Биз, қарияларнинг ҳаётдан тўлиқ лаззатланиб яшашимиз, ҳеч нарсадан кам бўлмаслигимиз учун оқсоқол нималарни қилмади дейсиз... Кўп йиллардан буён уни биламан, ҳар доим бирдай: меҳрибон, куюнчак, масъулиятни чуқур ҳис қилади... Одамлар ташвишини ўз зиммасига олиб яшаш олижанобликдир. Бундай инсонлар маҳаллага бош бўлмаса, бошқа ким бўлиши мумкин?!

– Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бундай вазифага айнан масъулият билан ёндошадиган киши ҳар доим одамлар ишончини оқлай олади, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари Фарида Абдураҳимова. – Давлатимиз раҳбари демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида маҳалланинг айнан шу томонларига эътибор қаратиб, йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари ўзини ўзи бошқариш органини кучли фуқаролик институти даражасига кўтаришга қодир инсонлар ичидан сайланиши лозимлигини таъкидлаб ўтганлар. Бугунги кунда пойтахтимизда турар жой мавзеларининг намунали кўринишга эга бўлишини таъминлаш мақсадида 22 та маҳаллада катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Мен шаҳар депутатлик корпусига сайланган Яккасарой туманидан бу рўйхатга «Қушбеги» ва «Бошлиқ» маҳаллалари киритилган. Келгусида тумандаги бошқа 16 та маҳаллада ҳам намунали номга лойиқ бўлиш учун мажмуавий чора-тадбирлар ўтказилиши белгиланган. Жумладан, кичик меъморий ечимдаги гулзорлар ва боғлар яратилади, болалар учун ўйингоҳ ва спорт майдончалари қурилади, автомашиналар учун алоҳида жойлар ташкил этилади, замонавий кўринишдаги савдо-маиший шохобчалар қад ростлайди, ички йўлларни тўлиқ таъмирдан чиқариш ҳам режалаштирилган. Албатта, ҳар қандай хайрли ишда аҳоли фаоллиги даркор. Айнан шундай жараёнларда оқсоқол ва унинг маслаҳатчиларининг ташаббускорлиги, қолаверса, масъулияти янада ёрқин ифодасини топади, деб ўйлайман. «Дамариқ» маҳалласи кўп жиҳатлари билан фақат туманда эмас, пойтахтимизда ҳам намунали саналади. Демак, фуқаролар йиғини раисининг бунда ҳиссаси бўлиши шубҳасиз. Шу боисдан ҳам маҳалла Мирвали Турсуновга яна ишонч билдирди дейишимиз мумкин. Ҳеч бир инсон, унинг имкониятлари қанчалик кенг бўлмасин, одамлар ташвиши билан яшашдек вазифани бир ўзи уддалай олмайди. Бугунги кунда маҳаллий ижроия органларининг ўттиздан зиёд вазифалари маҳаллага юклатилган. Уларни фақат биргаликда, ҳамжиҳат бўлиб бажариш мумкин. Бу борада оқсоқол маслаҳатчилари фақат ўз маслаҳатлари доираси билан чекланиб қолмаслиги, ягона занжир тизимида ишлаши лозим...

«Дамариқ» маҳалласининг янги сайланган фуқаролар йиғини шу кунларда турли йўналишда фаолият юритувчи комиссиялар таркибини шакллантириб олиш мақсадида умумий йиғилишга тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу жараён ҳам маълум маънода аҳамиятга эга, чунки комиссиялар фаолияти бевосита фуқаролар йиғинининг самарали иш юритишига боғлиқ.

Қолаверса, кучли фуқаролик жамияти айнан мана шундай кичик-кичик жараёнларда шаклланиб боради. Зеро бундай жамиятнинг ҳар бир бўғини, ўзаро мустаҳкам боғланган бўлиб, одамлар манфаатига хизмат қилади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ миллат, ўн олти диний конфессия вакиллари ўзаро аҳилликда истиқомат қилмоқда. Уларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Динлар ва миллатлараро тотувликни таъминлашга оид эзгу саъй-ҳаракатларда маънавиятимизни янада юксалтириш, ибратли анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўли, фаолияти, бой маънавий меросини чуқур ўрганиш, муқаддас қадамжоларни қайта тиклаш ва ободонлаштириш, ихтисослашган таълим даргоҳлари фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш алоҳида ўрин тутади.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, Самарқанд шаҳрида ташкил этилган Имом Бухорий халқаро маркази каби маърифий ташкилотлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Қадимий нодир манбаларни жамлаш, илмий нуқтаи назардан мукаммал тадқиқ этиш, уларнинг мазмун-моҳиятидан халқимиз ва кенг жамоатчиликни бохабар қилиш, бой илмий-маърифий меросимиздан ёшларни ватанпарварлик, фидойилик руҳида тарбиялашда самарали фойдаланиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти» маърифий лойиҳасидан кўзланган асосий мақсад истиқлол йилларида маънавий-маърифий соҳадаги янгиланишлар жараёни, буюк аждодларимизнинг меросини ўрганиш, тарғиб этишга оид кенг кўламли эзгу ишлар билан халқимизни яқиндан таништиришдан иборатдир. Лойиҳа доирасида «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти», «Имом ал-Бухорий», «Ҳадис илмининг султони», «Буюк донишманд» каби китоблар, бир неча рангли плакатлар нашр этилди.

Тадбирда аждодлар меросини асраб-авайлаш, диний ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, тотувликни мустаҳкамлаш, маърифий адабиётларни нашр этишга кўрсатилаётган юксак эътибор халқимиз маънавий ҳаётининг бугуни ва истиқболи билан боғлиқ ғамхўрликнинг амалдаги юксак намунаси экани, бу борадаги эзгу ишлар халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаётгани таъкидланди.

**(ЎзА)**

**«Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги», «Бозор иқтисодиёти», «Иқтисодий ислоҳотлар», «Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш» сингари кўплаб тушунчалар бугунги кунда иқтисодий билимларимизни бойитибгина қолмай, амалий ишларимизда ҳам изланиш ва интилишга чорловчи куч сифатида намоён бўлди.**

# ИҚТИСОДИЁТ ВА АХБОРОТНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Ўқув юртларида иқтисодий фанларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилгани ҳам шу боисдандир. Соҳаларни етук кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Шу тариқа иқтисодий тушунчалар кенг қамровли маъно билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларидан муносиб ўрин эгаллади.

Маълумки, иқтисодиётни ишлаб чиқаришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш эса инсон эҳтиёжларининг асосий омили ҳисобланади. Шак-шубҳасизки, айнан ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг бош тамойилини ташкил этади.

Биз фикр юритмоқчи бўлган ахборот соҳаси бугунги кунда ишлаб чиқаришда асосий ўрин тутишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу соҳанинг имкониятлари тобора кенгайиб бораётганлиги бошқа омилларнинг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса ҳаётимизга интернет тармоғининг кириб келиши ахборотлар оқимини шунчалар кўпайтириб юбордики, бу уларни танлаш, саралаш ва ўринли фойдаланишни талаб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, ахборотнинг кўплиги ундан фойдаланувчини изланишга, чуқур мустақил фикрлашга, ахборотни таҳлил қилишга ва албатта тегишли хулоса чиқаришга ундайди. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг ақл-заковат бобидаги салоҳиятини ошириш билан бир қаторда, унинг ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларига бўлган қизиқишини мустаҳкамлайди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, ишлаб чиқариш омилларининг замон талаблари асосида тараққий этишида ахборотнинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Мисол учун, ишлаб чиқаришнинг сифат ва самарадорлигини янада юксалтиришда тадбиркорлик қанчалик аҳамиятга эга бўлмасин, у янги ва самарали ахборотсиз кўзланган натижани бермаслиги мумкин. Худди шунингдек ишлаб чиқариш омиллари учун табиат қанчалик қулай ва бой бўлмасин, унинг фаолиятида ахборотнинг етишмаслиги ёки мавжуд ахборотдан тўғри фойдаланмаслик салбий оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас. Сувдан оқилона фойдаланмаслик натижасида Орол денгизининг қурий бошлаши туфайли юзага келган экологик муаммолар фикримизнинг далилидир.

Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодиётнинг бош тамойили ҳисобланган ишлаб чиқариш омилларини ҳаракатга келтиришда ва улардан жамиятимиз тараққиётида унумли фойдаланишда ахборотнинг роли кундан-кунга ортиб бормоқда.

**Жамшида ЖАББОРОВА,**
**Тошкент Молия институти доценти**
**Наргизабону ОЧИЛОВА,**
**ТМИ талабаси**

Туманларда

# ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

**Ҳозирда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида Тошкент шаҳрида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Коллежларни тугатаётган битирувчиларни иш билан таъминлашда ўқув-тарбия жараёни ҳамда «Устоз-шогирд» мактаби тизими орқали ташкил этилаётган амалиётда билим, кўникма ва малакаларини юқори даражада намоён этган ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва олдиндан иш жойлари билан таъминлаш борасида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Сергели туманида ҳам касб-ҳунар коллежларида таълим сифатини ошириш, мос йўналишдаги ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни ташкил этиш, битирувчиларни ишга жойлаштиришда мутасаддиларнинг ўрни ва вазифаларига бағишланган тадбирда туман ҳокимлиги ва иш берувчилар томонидан эълон қилинган «Энг яхши амалиётчи» кўрик-танловининг Сергели тиббиёт коллежи бўйича якунлари кўриб чиқилди.

«Энг яхши амалиётчи» кўрик-танловини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад битирувчиларнинг «Устоз-шогирд мактаби» амалиётида фаол иштирок этишини таъминлаш, амалиёт жараёнида юқори самарадорликка эришган, билим, кўникма ва юқори малакали битирувчиларни рағбатлантириш чораларини кўриш, уларни ўзларининг хоҳиш ва истакларини инобатга олган ҳолда иш жойлари билан таъминлаш, битирувчиларни доимий равишда ўз устида ишлаши, яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва меҳнат бозорида ўзининг муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш, юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлашга эришишдан иборат.

Мазкур кўрик-танлов натижаларига кўра Сергели тиббиёт коллежининг 3 нафар битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика онкология илмий-текшириш маркази, 6 нафарига Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва унинг тасарруфидаги Учтепа ва Сергели туманлари тиббиёт бирлашмалари, 2 нафарига Сергели туман ДСЭНМБ ва битта битирувчига 1-сон шаҳар туғруқ комплексига иш билан таъминланганликлари тўғрисидаги йўлланма берилди.

– Мен бугун ҳаётимдаги энг ҳаяжонли дақиқаларни ўтказяпман, – дейди тадбирда сўзга чиққан Республика онкология илмий-текшириш марказига йўлланма олган Миразиз Жалилов. – Тўғриси, танловда иштирок этаётганимда ғолиб бўлишга ишонмагандим. Мазкур танловда мен нафақат иштирок этдим, балки амалиёт ўташ билан бирга, беморларга муносабат, уларни парваришлаш, меҳр улашиш каби хислатларни ҳам ўргандим. Энди ўзимнинг билимим ва кўникмаларим билан берилган бу имкониятлардан самарали фойдаланаман, келгусида Тиббиёт академиясига ўқишга кириб, касбимни улуғлаш ва халқимизнинг соғ-саломат юриши учун сидқидилдан меҳнат қиламан.

Ана шундай фикр-мулоҳазаларни сўзга чиққан бошқа битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳам билдиришди.

Шунингдек, тадбирда «Устоз-шогирд» мактабида ўқувчиларни ўз касбининг етук мутахассислари этиб тарбиялашдаги фаол иштироки учун туман тиббиёт бирлашмаси ва оилавий поликлиникалар ходимлари Гулсора Иргашева, Зуҳра Халилова, Саодат Тожибоева, Нодира Мадиярова, Роҳила Исматова ҳамда коллеж томонидан бириктирилган масъуллар Муножат Исматова, Гулмира Шамшиева, Жамила Нафикова, Шоира Турсунова, Зилола Жўраева, Шоҳида Тошхўжаева, Зарифа Ариповалар энг яхши натижаларга эришган устозлар сифатида Сергели тумани ҳокимлигининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Дилшод ҲАМИДОВ**

Анжуманлар

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

**Мустақиллик, тинчлик, тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар доимо бир-бири билан ёнма-ёндир. Халқимизнинг тарихий ютуғи — Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнасини нишонлаш учун тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда бу умрбоқий қадриятлар яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.**

Жумладан, куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги 2-Республика тиббиёт коллежида ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам ана шу хусусда сўз борди.

Давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланиб, тадбирни ўтказишдан мақсад ёшларга мустақил тараққиётимизнинг ўтган 20 йиллик даври мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлидаги олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида маълумот беришдан иборат бўлди.

— Юртимизда инсон қадр-қимматини улуғлаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи якка-ёлғиз қариялар, ногиронлар, етимлар каби минг-минглаб кишиларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Ортда қолаётган йигирма йил ичида ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар Ўзбекистоннинг келажаги чиндан-да порлоқ эканини кўрсатади, — дейди Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар ўз ёшларининг эртасини ўйлаб, қайғуриб яшайдиган халқнинг келажаги ҳам буюк бўлиши, Мустақиллик ёшларга юқори савияда таълим олиш, соғлом ҳаёт кечириш, тафаккурини бойитиш, ўзлигини англаш бахтини берганлиги учун шукрона қилишлари кераклигини таъкидлаб ўтишди.

— Биз мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз даркор. Токи шу юртда истиқомат қилаётган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўҳтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин, — деди жумладан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одил Аширов.

Ўзининг Ватан, Мустақиллик, она-юрт тўғрисидаги шеърлари билан даврага ўзгача файз киритган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Муҳаммад Исмоил ҳам туман ёшларини Ватан олдидаги бурчларини ҳис қилган ҳолда унга муносиб фарзанд бўлишга даъват этади.

Тадбир савол-жавоб, баҳс-мунозарага бой, кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Ёшлар манфаатлари йўлида ташкил қилинаётган бундай тадбирлар уларни Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашга ва сиёсий билимларини ривожлантиришга катта туртки бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

Иқтисодиёт

# СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

**Тайёрланган маҳсулотларни харидорларга манзур этишда уларнинг сифатига қаратилган эътиборнинг аҳамияти катта.**

Негаки талабларга мос сифатли маҳсулотларнинг бозори чаққон бўлади. Бу борада тадбиркорларимиз омилкорлик билан изланишмоқда, бозорни ўрганиш ўз ғояларини амалга оширишда ёрдам бермоқда. Айниқса, шу асосда ички бозоримизни импорт ўрнини босувчи товарлар билан таъминлашда муваффақиятларга эришилмоқда.

Хорижий ускуналар билан жиҳозланган «Terrado Bisnes Groop» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ана шундай импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни қурилиш ташкилотлари, фирмалари ҳамда буюртмага кўра аҳолига етказиб бермоқда. Корхонада цинк билан қопланган тунукадан профилли томёпқич маҳсулоти тайёрланади. Замонавий ва чидамли, қатор афзалликларга эга бўлган мазкур бунёдкорлик ашёларидан бугунги кунда юртимиздаги қурилиш майдонларида фойдаланилмоқда.

Ўтган йилда тадбиркор жамоа аҳлининг саъй-ҳаракатлари самара бериб 240 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлинди. Жорий йил режалари эса юксак бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ўн баравардан зиёдга кўпайтириш, уч минг тоннадан ортиқ томёпқич маҳсулотлари тайёрлаш кўзда тутилган. Буюртмаларни ўрганган ҳолда маҳсулотнинг бир қанча рангдагиси ишлаб чиқарилади.

Айни пайтда корхонани кенгайтириш, цехларни янги технологик дастгоҳлар билан жиҳозлашга интилаётган мутасаддилар ёшларни ҳам ишга жалб этишмоқда. Цехларда ишлаб чиқарилаётган ўрнатишга қулай, енгил, замон талабига мос, мустаҳкам, иқлим шарт-шароитимизга чидамли профилли томёпқич турини янада ошириш, сифатини юксалтириш, янги хилларини харидорларга тортиқ этиш асосий мақсадлар сирасига киради.

# ТАЛАБГА МОС КЕЛАДИ

**Сифатли маҳсулотнинг талабларга мос тарзда қадоқланишига қаратилган эътибор ҳам харидорни жалб этади.. Бу, албатта маҳсулотнинг «юзи» ҳисобланади.**

Ҳар ким эҳтиёжига яраша, деганларидек, товарни қадоқлашда ҳам ана шунга эътибор билан ёндашилса, мақсадга мувофиқдир. Чунки харидор ортиқчасини эмас, керагини сотиб олади.

«Zafarxon» масъулияти чекланган жамиятида 400 нафар ишчи- хизматчи жамланган бўлиб, цехларда илғор технологияларни қўллаб қуруқ мевалар, писта, қурт сингари маҳсулотлар қайта ишланиб, замонавий қадоқланмоқда.

— Бу борада биринчи навбатда сифатга эътибор қаратамиз, — дейди корхона менежери Зафар Солиҳов. — Хом ашё ва маҳсулотларни шартнома асосида фермер хўжаликлари ҳамда аҳолидан сотиб оламиз. Ҳозирда эса тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, янги йўналишларда ишлашни ҳам режалаштиряпмиз.

Хорижий шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиб, ички ҳамда ташқи бозорни юқори сифатли, халқаро андозалар даражасидаги маҳсулотлар билан таъминлаш асосий мақсадимиздир.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

**Корхона,ташкилот ва ўқув муассасаларида ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим юридик ҳужжат — жамоа шартномаси катта аҳамиятга эгадир.**

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

«Сувсоз» трести давлат унитар корхонасида 2010-2012 йилларга қабул қилинган жамоа шартномасининг 2010 йил бўйича мажбуриятлари бажарилиши якунларига бағишланган йиғилишда асосий эътибор корхонани ижтимоий ривожлантириш, ишчи-хизматчиларнинг манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтириш борасида жамоа шартномасига киритиладиган ўзгаришлар ва келгусидаги вазифаларни муҳокама қилишга қаратилди.

Тадбирда жамоа шартномаси ижросини ўрганиш бўйича комиссия аъзоси, корхона касаба уюшма қўмитасининг йўриқчиси Замира Каримова 2010 йил мобайнида қилинган ишлар ҳақида маъруза қилди. Таъкидлаш керакки, трест корхоналарида меҳнат қилаётган 4848 кишидан иборат ишчи-хизматчиларга иш ҳақлари ўз вақтида берилмоқда. Иш фаолияти транспортда юриш билан боғлиқ бўлган ходимлар ойлик йўл чипталари билан таъминланган. Жамоа шартномасида белгиланган ҳамда ишчи-хизматчиларни касбий малакасига мувофиқ, доимий иш билан таъминлаш, бўш ўринларни туман бандлик хизмати билан биргаликда шартномалар тузиш орқали тўлдириб борилишига амал қилиб келинмоқда. Трест бошқаруви ва таркибий бўлинмаларида меҳнат қилаётган ёш мутахассислар учун, ҳар ойда ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда ва трестдаги иншоотларда амалиёт дарслари олиб борилмоқда.

Иш ва дам олиш вақти бўйича жамоа шартномасидаги барча бандлар бажарилаётганлиги, ишчи-хизматчиларнинг қўшимча якшанба, байрам кунларидаги меҳнатлари махсус буйруқлар билан расмийлаштирилиб, ҳақ тўланаётганлиги таъкидланди. 2010 йил мобайнида моддий ёрдам, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлар учун қатор тўловлар амалга оширилган. Жумладан, трест ходимларининг 760 нафар фарзандлари трест тасарруфидаги «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олган. Шунингдек, 239 нафар ходимларга даволаниш учун дори-дармон олишга моддий ёрдам берилди. 2010 йил мобайнида ходимлар учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар берилди.Трестнинг ишчи-хизматчиларига жарроҳлик операцияларини ўтказиш ҳамда шифохоналарда даволанишлари учун тақдим этилган шартномалар бўйича 10.318 минг сўмдан зиёд маблағ пул ўтказиш йўли билан сарфланган.

Трестда оммавий-маданий, жисмоний тарбия ва спорт ишларига катта эътибор берилиб, бу соҳалар жамоа шартномасидан кенг ўрин эгаллаган. 2010 йил баҳор ойларида трестда спортнинг қатор турлари бўйича спартакиада, мини футбол бўйича трест кубоги мусобақалари, «Отам, онам ва мен — зўр спортчи оила» шиори остида оилавий беллашувлар ўтказилиб, бунда ғолиблар муносиб тақдирландилар. Шунингдек, трестнинг терма жамоалари тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг «Саломатлик» спартакиадаси беллашувларида ҳам қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. «Яхши дам меҳнатга ҳамдам» дейилганидек, ўтган йилнинг ёз ойлари мобайнида ишчи-хизматчиларнинг дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришлари, қадимий ва навқирон Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига сайёҳлик сафарлари ташкил этилган. 50 нафар ходимга Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасига чипталар бепул берилган. Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма, Муқимий номидаги мусиқали драма театрларининг саҳна асарларидан баҳраманд бўлиш ва «Истиқлол», Туркистон саройларидаги концерт дастурларини томоша қилиш учун чипталар, ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғига таклифномалар бепул тарқатилган.

«Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи А.Саматов жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши борасида тўхталиб ўтди.Трестда ҳамда унинг таркибий тузилмаларидаги корхоналарда 2010 йилдаги келишувга асосан режадаги тадбирларни бажариш учун 74 миллион 288 минг сўм маблағни сарфлаш белгиланган бўлиб, жорий йил мобайнида техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш шартномасига киритилган тадбирларни бажариш учун 201 миллион 688 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди.Трест корхоналарида ишлайдиган ишчи-ходимларга махсус кийим-бош, пойабзал ва ҳимоя воситалари учун 141 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди,зарарли иш шароитида ишловчиларни ўз вақтида етарли даражада сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун 51 миллион сўм, ювиш маҳсулотлари учун бир миллион сўмдан ортиқ маблағ ишлатилди. Трест корхоналарида ҳар ойда мунтазам равишда меҳнат муҳофазаси куни ўтказиб борилаётганлиги ва аниқланган камчиликларнинг бажарилиши доимий назоратда эканлиги, белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини кучайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар корхонани ижтимоий ривожлантириш, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, аёллар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги ишларни кучайтириш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

«Сувсоз» трести давлат унитар корхонасининг бошқарувчиси Тоҳир Мирҳидоятов йиғилиш қатнашчилари эътиборини ишга танқидий нуқтаи назар билан таҳлилий, ижодий ёндошиш, фаоллик кўрсатиш ва ёшларга эътиборни янада кучайтириш, ёшлар билан ишлайдиган комиссияни тузиш, улар муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш, ёш кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш, янгиликлар яратишга интилиш, изланувчанлик орқали меҳнатнинг самарадорлигини ошириш — муваффақият омили эканлигига қаратди.

Ишчанлик вазиятида, савол-жавоблар билан эркин мулоқот тарзида ўтган йиғилиш барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

**Юртимизда иқтидорли ва фаол ёшларни қўллаб- қувватлаш, имкониятларини юзага чиқариш ҳамда рағбатлантириш мақсадида кўп саъй- ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган касаба уюшмалари томонидан ҳам бир қатор хайрли ва эзгу ишлар амалга оширилиб, ёшларга эътибор қаратиш энг устувор вазифалар сирасига киритилган.**

## ФАОЛ ТАЛАБАЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Хусусан, ёшларнинг жисмонан соғлом ва маънавияти юқори, бақувват, она Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб вояга етишига ҳисса қўшиш, аълочи ва фаол жамоатчи талабалар ва ўқувчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш, касаба уюшма фаолиятига жалб этиш борасида касаба уюшмалари стипендиясининг таъсис этилганлиги фикримиз далилидир.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида мана шу хайрли анъанани давом эттирган ҳолда аъло ўқиши, намунали хулқи билан тенгдошларига ўрнак, жамоат ишларида фаол бўлган талаба ва ўқувчиларга «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши стипендианти» гувоҳномаси ҳамда эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов ёшлар ва устоз-мураббийларни табриклаб, юртимизда эртамиз эгалари бўлган ёшлар учун барча имкониятлар яратилгани, эътибор ва ғамхўрлик замирида уларга катта ишонч билдирилаётгани хусусида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга ёшларга илм сирларини мукаммал эгаллаб, касб-ҳунарларининг етук мутахассислари бўлиб вояга етишлари, Ватан равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилишларига тилак билдирди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, пойтахт ҳудудида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида аъло баҳоларга ўқиб, ҳар жиҳатдан тенгдошларига ўрнак бўлаётган талаба ва ўқувчиларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш учун Кенгаш V Пленумининг 1998 йил 25 ноябрдаги ва 2007 йил 26 мартдаги қарорларига биноан таъсис этилган ушбу стипендияга шу бугунга қадар 134 нафар талаба ва эсдалик совғаларига эса 177 нафар ўқувчилар сазовор бўлдилар. Бу албатта ёшлар камолотига қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси бўлиб, унга эришган ёшларни ҳам тўлқинлантириб юборди.

— Айни Энг улуғ ва азиз байрам бўлган Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида мана шундай ишонч ва эътиборга сазовор бўлганимиздан, озод ва обод юртнинг фарзанди эканимиздан бугун жуда бахтиёрмиз, — деди ўз хурсандчилигини ифода этган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети 2- босқич талабаси Мадина Пайзиева. — Келажакда қобилиятимиз, мукаммал билимимиз, юксак салоҳиятимиз билан бизга билдирилаётган ишончни албатта оқлаймиз, устозларимиз ва ота-оналаримиз юзини ёруғ қилиб, қайда бўлмайлик Ўзбекистонимизга муносиб фарзанд бўлиб, муқаддас байроғимизни баланд кўтарамиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТДА: гувоҳнома топшириш маросимидан лавҳа**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг охирги Пленумида мажлис иштирокчиларининг диққат-эътибори ижтимоий шерикчилик соҳасида касаба уюшмаларининг ижро ҳокимияти билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, айниқса, ҳудудий бирлашмаларнинг ҳамда тегишли ҳокимликлар билан доимий ҳамкорлигига эришиш масаласи алоҳида долзарб вазифа қилиб қўйилди.**

Бу борада бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ҳам муҳим вазифалари белгилаб берилди.

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси 1456 нафар аъзоларни бирлаштирган 18 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларини ўз ичига олган. Ҳозирги кунда «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси маъмурияти ҳамда бирлашган касаба уюшма қўмитаси билан ўзаро шерикчилик асосида имзоланган жамоа келишувига биноан шаҳримиздаги барча бозорларда жамоа шартномалари қабул қилиниб, тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Давлатимизнинг бевосита ғамхўрлиги асосида бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда бозорларимиз моддий негизини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ҳамда янгича хизмат кўрсатиш тизимини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида энг муҳим устувор вазифалар бажарилишига кўмаклашиш мазкур дастур доирасида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий-услубий ёрдам кўрсатишда ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланган икки томонлама келишув ва жамоа шартномалари орқали иш берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик ишларини олиб бориш талаб этилади. Бундай ҳамкорлик натижасида ижтимоий ривожланиш, аҳолини турли табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, бандликни таъминлаш, ходимларни соғломлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш каби масалалар ўз ечимини топади.

Жумладан, шаҳримиз бозорларида харидорларга ва деҳқонларга хизмат кўрсатувчи катта-кичиклигига қараб 15 тадан 50 тагача аравачалар мавжуд бўлиб, фуқароларга ижарага берилмоқда. Бу эса норасмий меҳнат билан шуғулланишга сабаб бўлиб келмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан бозорлар маъмуриятига ўз штатларига аравакаш вазифаси киритилиб, улар билан меҳнат шартномалари тузилиб, меҳнат дафтарчалари юритиш ва ойлик иш ҳақи белгилаб олиш таклиф этилмоқда. Бундай усул қўлланилганда бир неча юзлаб кишининг норасмий меҳнатдан расмий меҳнатга ўтишлари ҳамда келгусида уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, қонуний ҳуқуқлари ҳимояланишига хизмат қилиши мумкин. Албатта шу каби масалаларнинг ижобий тарзда ҳал этилишига уюшма маъмурияти ва бирлашган касаба уюшма қўмитасининг ўзаро ҳамкорлик асосида фаолият олиб боришлари натижасида эришиш мумкин.

**Адҳамжон ЭРГАШЕВ,**
**«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бирлашган касаба уюшма қўмитасининг раиси**

**Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ташкил этади. Айниқса, нодавлат сектори ташкилотларида хизмат қилаётган ишчи-ходимлар ижтимоий ҳимоясида касаба уюшмасига аъзоликнинг роли катта. Албатта, бунда яна ҳам кенгроқ имкониятлар юзага келади.**

## ҲАМЖИҲАТЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Шу жиҳатдан олганда, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича Вакиллиги олиб бораётган ташкилий-тарғибот ишлари диққатга сазовордир.

Чунончи, вакиллик ходимлари ва асосий ишдан озод этилган касаба уюшма қўмиталари раисларидан иборат мониторинг гуруҳи тузилиб, туман ҳокимликлари томонидан рўйхатга олинаётган янги қурилиш ташкилотлари ҳақидаги маълумотларга асосан уларни касаба уюшма хизматига олиш масалалари йўлга қўйилди. Натижада ўтган икки йил давомида 29 та касаба уюшма ташкилоти тузилди. Бундан ташқари Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги қурилишлар бўйича ўтказилган тендерда ғолиб чиққан ташкилотларда сўнгги икки йилда 30 дан ортиқ касаба уюшма ташкилоти тузилиб, касаба уюшма аъзолари 776 кишига кўпайди.

Касаба уюшма ташкилотлари доимий эътиборидаги долзарб масалалардан яна бири иш ҳақининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишидир.

Бу борада Вакиллик томонидан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ходимлари билан ҳамкорликда кўрилган чора-тадбирлар натижасида йил бошида маошлардан қарздорлиги бўлган 4 та корхонадан 3 тасида қарздорликка тўлиқ барҳам берилди. Шу билан бир қаторда иш ҳақи бўйича қарздорликнинг олдини олиш мақсадида касаба уюшмалари тармоқ, ҳудудий келишувлари, жамоа шартномалари шартлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ижтимоий мулоқот соҳасидаги имкониятларни ишга солишимиз бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада шаҳар, туман ҳокимликлари, иш берувчилар ва прокуратура органлари билан алоқани мустаҳкамлашимиз зарур. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, халқимиз турмушини янада фаровон бўлиши йўлидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга самарали ҳисса қўшиб боришга бундан кейин ҳам ҳаракат қилаверамиз.

**Ҳуснитдин САЙДАЛИЕВ,**
**Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича вакили**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 15.09.2010 йилдаги № 26124-25-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-даҳада жойлашган, умумий майдони 57,51 кв.м. бўлган 51-уй, 31-хонадон қўйилмоқда, бошланғич нархи – 66 487 623 сўм. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 26.01.2010 йилдаги № 2165/24-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 12-А уйда сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 550 КАА бўлган «Kia Serato S45» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 35 808 989 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 30 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 21 июль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

**2011 йил 9 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:** Миробод тумани СИБ томонидан 05.10.2010 йилдаги № 11844/21-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар «241-сонли Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1995 йилда и/ч., дав.бел. 10 BI 147 бўлган «Ваз-2106» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 535 500 сўм. 2. 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BI 213 бўлган «Ваз-21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 711 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BF 517 бўлган «Газ-330202-14» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 21 723 000 сўм. 4. 1985 йилда и/ч., дав.бел. 10 BF 263 бўлган «Камаз 35511» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 41 142 000 сўм. 5. 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 BC 597 бўлган «Камаз К-5460» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 77 618 000 сўм. 6. 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 BC 598 бўлган «Камаз К-5460» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 78 720 000 сўм. 7. 1986 йилда и/ч., дав.бел. 10 G 489 бўлган «УПР 1212» русумли ярим тиркама воситаси, бош. нархи – 9 188 000 сўм. 8. 1988 йилда и/ч., дав.бел. 10 G 486 бўлган «Одаз 9370» русумли ярим тиркама воситаси, бош. нархи – 14 298 000 сўм. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 17.07.2009 йилдаги 10-0909/8756-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Версал тўйхонаси ҳовлисида сақланаётган, 2000 йилда и/ч., дав.бел. 30 Т 8003 бўлган «Ниссан Максима» русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 22 270 658 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотека банк»-нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.



## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» ОАЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги №283-Ф сонли фармойишига асосан**

**Истеъмолчиларнинг табиий газ ва электр энергияси учун қарздорлигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда келгусида унинг ўсишига йўл қўймаслик мақсадида**

**— Юридик шахслар (улгуржи истеъмолчилар) ва аҳоли қарздорликларини рўйхатга олиш, хатловдан ўтказишини истеъмолчиларга маълум қилади.**

**«Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» ОАЖ маъмурияти**

# ИСТИҚЛОЛ ҚАНОТ БЕРГАН ИСТЕЪДОДЛАР

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида Энг улуғ, энг азиз айёмга бағишланган тадбирларда ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар, юртимизнинг салоҳияти ва қудрати, халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, улкан ўзгаришларнинг аҳамиятини ёшларга янада чуқурроқ очиб бериш муҳим йўналишлардан этиб белгиланган.**



Аскар Ёкубов (ЎзА) олган сурат

Республика Хотин-қизлар қўмитаси томонидан истиқлолимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Истиқлолдан бахт топган қизлар» деб номланган маънавий-маърифий тадбирда ҳам бу жиҳатлар намоён бўлди.

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирга спорт бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилган қизлар, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида хотин-қизларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, айниқса, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, пухта таълим олиши, қобилияти ва ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади.

Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши фан, таълим, маданият, санъат, адабиёт каби йўналишларда фаол изланаётган, тенгқурларига ибрат бўлишга арзигулик қизларни рағбатлантириш, уларнинг эришган ютуқларини халқимиз, кенг жамоатчиликка таништириш имконини бермоқда.

Совриндорлар сафида спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, шахмат, академик эшкак эшиш каби турлари бўйича кўплаб республика, халқаро ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юксак муваффақиятларни қўлга киритган қизларнинг ҳам борлиги соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор самарасидир. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти магистранти Дурдона Қорабоева, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистранти Юлдуз Ҳамроқулова, Жиззах Давлат педагогика институти талабаси Ирода Абдураҳмонова, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги Навбаҳор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Сарвиноз Қурбонбоева каби спортчи қизлар шулар жумласидандир.

Бадиий гимнастикачи Ҳуснијабону Ғуломова Бухоро шаҳридаги 5-сонли болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабида ўқийди. Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони, Голландия, Германиядаги халқаро мусобақаларда совриндор бўлган. 2009-2010 йилларда Ўзбекистон кубоги ва пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медалга лойиқ топилган.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, янгидан-янги иқтидорли спортчиларни кашф этишда муҳим омил бўлмоқда, – дейди Ҳ.Ғуломова ЎзА мухбирига. – Бу жиҳатлар бадиий гимнастика бўйича мусобақаларнинг юксак савияда ўтказилишида, ёш спортчиларни янада янги марралар сари руҳлантиришда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари – спортчи қизлар йиғилганларга спорт соҳасида ва ҳаётда эришган ютуқлари, келгуси режалари ҳақида гапириб берди.

**Назокат УСМОНОВА**

## Спорт янгиликлари

### ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ АВСТРАЛИЯГА БОРИШАДИ

**Келгуси йили Лондон шаҳрида уюштириладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг футбол мусобақаларида иштирок этишга аҳд қилган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Австралияга борадиган бўлди.**

Гап шундаки, Австралияда май ойининг сўнгги ҳафтаси ҳамда июнь ойи бошларида футбол бўйича халқаро турнир ташкил этилади. Олимпиада ўйинларига саралаш турнирининг навбатдаги босқичига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мазкур мусобақада Голландия, Исроил, Албания терма жамоалари билан бир гуруҳда ғолиблик учун кураш олиб боради.

Эслатиб ўтамиз, Олимпиада ўйинларига саралаш турнирининг навбатдаги босқичида ҳамюртларимиз 18-23 июнь кунлари гонконглик олимпиячилар билан икки марта уй-меҳмон тизимида куч синашишади.

### ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ҚАТНАШАДИ

**«Ўзбекистон» спорт мажмуасида 29-31 май кунлари футзал бўйича «APDUS CUB — 2011» халқаро турнири бўлиб ўтади.**

Шуниси қувонарлики, ушбу нуфузли турнирда Бокунинг «Нефтчи», Норилскнинг «Никел» клуби, Вьетнам терма жамоаси билан бирга юртимиз шарафини Ўзбекистон чемпиони Тошкентнинг «Ардус» командаси ҳимоя қилади.

### ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Аввал хабар берилганидек, 2014 йилда Бразилия яшил майдонларида футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионати саралаш турнирига жиддий ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этмоқда.**

Шунингдек, июнь ойида Вадим Абрамов шогирдлари иккита назорат-ўртоқлик учрашувида ўз омадларини синаб кўришади. 1 июнда ҳамюртларимиз Киевда Украина терма жамоасига қарши майдонга тушишса, 4 июнда Хитой терма жамоаси меҳмони бўлишади. Шу муносабат билан терма жамоамиз бош мураббийси Украина ва Хитойга борадиган 22 нафар футболчилар рўйхатини эълон қилди. Шуниси эътиборлики, таркибга мамлакатимиз ва хориж чемпионатларида тўп сураётганлар жалб этилган. Жумладан, ёшлар терма жамоамиз аъзоси Ислом Тўхтахўжаевга бош мураббий яна ишонч билдирган. Шунингдек, бу учрашувларда мухлислар «Навбаҳор» жамоаси ҳужумчиси Александр Шадриннинг ўйинини ҳам кузатиш имконига эга бўлишади. Ҳар сафаргидек, терма жамоа сафида маҳоратли чарм тўп усталари Сервер Жепаров, Темур Копадзе, Виктор Карпенко, Одил Аҳмедов, Санжар Турсунов, Станислав Андреев, Илҳом Юнусов, Азиз Ҳайдаров, Максим Шацких, Александр Гейнрих ҳаракат қилишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

*ҲАЁТ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА*

**Ёмонлик қилиб қўйган одам балки яхшидир, аммо ёмонлик қилмоқчи бўлиб юрган одам — разилдир.**

**Гулзор ичидаги ўтни юлиб ташлайдилар.**

**Оталар — пойдевор, фарзандлар — қурувчи.**

*САБАБ ВА ОҚИБАТ ҲАҚИДА*

**Сабабсиз оқибат бўлмайди.**

**Софдилга — ҳаёт одил.**

**Шошилган гулни совуқ уриб кетади.**

**Ишини дўндирганнинг дам олиши чиройли.**

**Қувонч маконни ёритгичдир.**

**Душманни озайтсак, дўст кўпаяди.**

**Риёзатсиз ютуқ бўлмайди.**

**Кўнгил оғритишнинг натижаси — ўкинчдир.**

**Қуруқ хашак шалдироқдир.**

**Шошиб оққан дарё тошади.**

**Шошган шамол чангитади.**

**Терак мевасиз бўлганлиги учун ғўдайгандир.**

**Қийинчилик — чиниқтиргичдир.**

**Қошингни аясанг, кўзинг ҳам омон қолади.**

**Биров чуқурга йиқилса, унга чуқур айбдор эмас.**

**Қуёш олдида юлдуз кўринмас.**

**Қувноқ одамнинг ҳаёти хушчақчақ.**

**Уйғоқнинг туни узун.**

**Азоб кўрмаган роҳатнинг қадрини билмайди.**

**Ҳимматли одам — қимматли одам.**

**Тингламаган кўп адашади.**

**Шижоату матонат — ғалаба омили.**

**Офтоб бўлмаса осмон мунғаяди.**

**Билимлининг олтин деб олгани мис чиқмайди.**

**Учқунга лоқайд қараган аланга ичида қолади.**

**Яранинг ўрни тез қонайди.**

**Беқарор ўринсиз қолади.**

**Ёмон дардни заҳар даволайди.**

**Жамият кўзини бўяган — темир панжарани кўради.**

**(Давоми бор)**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### БАРЧА ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР КОРХОНА, МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда барча вазирликлар, давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кадрлар билан ишлаш тузилмалари ходимларининг малакасини ошириш курси ташкил қилинмоқда.

Мазкур курсда тингловчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:

- меҳнатга ва аҳолини иш билан таъминлашга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- меҳнат ресурсларини бошқариш тизими;
- кадрлар билан ишлаш тизими;
- меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби;
- меҳнат қонунчилигининг амалиётда қўлланиши билан боғлиқ муаммоларнинг таҳлили;
- меҳнатга оид низоли ишларнинг судда кўрилиши;
- ходимларни бошқариш стратегияси, ташкилотни бошқариш стратегияси. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш. Кадрлар билан ишлашнинг психологик жиҳатлари ҳақида.
- Ўқитиш муддати 1 ҳафтадан иборат бўлиб, шартномага мувофиқ тўлов асосида амалга оширилади. Шартнома суммаси бир кишига энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида белгиланган.
- Тингловчилар тарқатма материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намуналари ва қўлланмалар билан таъминланади. Малака ошириш курси якуни бўйича сертификат берилади.
- Малака ошириш курсида ўқиш бўйича Юристлар малакасини ошириш марказига (тел: 2321965, 2367964) ёки Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига (2394113, 2394579) мурожаат қилиниши мумкин.


O'ZSANOATQURILISHBANK

“Ўзсаноатқурилишбанк”ОАТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали қуйидаги омонат турларини таклиф этади:




| Т/р | Омонат (депозит) номи | Муддати | Бошланғич бадал |
|---|---|---|---|
| **Миллий валютадаги омонатлар** | | | |
| 1 | "Талаб қилиб олгунча" | муддатсиз | Чекловсиз |
| 2 | "Мақсадли" | муддатсиз | Чекловсиз |
| 3 | "Болалар мақсадли омонати" | 10 йил | Чекловсиз |
| 4 | "Фидоий" | 1 йилдан кам бўлмаган | Чекловсиз |
| 5 | "Наврўз тухфаси" | 1 йилдан кам бўлмаган | Чекловсиз |
| 6 | "Коммунал хизматлари тўловига" | 2 йил | Омонат миқдорини белгилаш коммунал тўлов миқдорига ва омонат фоизига боғлиқ |
| 7 | "Ғаройиб" | 1 ой | Чекловсиз |
| 8 | "Кўклам" | 2 ой | Чекловсиз |
| 9 | "Омад" буюм-ютуқли | 18 ой | Чекловсиз |
| 10 | "Мадад-1" | 3 ой | Чекловсиз |
| 11 | "Мадад-2" | 4 ой | Чекловсиз |
| 12 | "Мадад-3" | 6 ой | Чекловсиз |
| 13 | "Соврин-1" | 15 ой | Чекловсиз |
| 14 | "Навқирон" | 3 ой | Чекловсиз |
| 15 | "Камолот" | 6 ой | Чекловсиз |
| 16 | "Ҳадя" | 9 ой | Чекловсиз |
| 17 | "Фойда" | 14 ой | Чекловсиз |
| 18 | "Мадад-4" | 9 ой | Чекловсиз |
| 19 | "Баркамол-1" | 3 ой | Чекловсиз |
| 20 | "Ривож" | 3 ой | Чекловсиз |
| 21 | "Юксалиш" | 30ой | Чекловсиз |
| **Хорижий валютадаги омонатлар** | | | |
| 1 | "Талаб қилиб олгунча" | муддатсиз | Чекловсиз |
| 2 | "Муддатли" | 1 йилдан кам бўлмаган | Чекловсиз |
| 3 | "Капитал" АҚШ долларида | 6 ой | Чекловсиз |
| 4 | "Манфаат-2" | 7 ой | Чекловсиз |
| 5 | "Соврин-2" | 12 ой | Чекловсиз |
| 6 | "Истиқлол-2" | 3 ой | Чекловсиз |
| 7 | "Мультивалютали" | 18 ой | Чекловсиз |

"Ўзсаноатқурилишбанк"да сақланувчи аҳоли омонатлари "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланган.

www.uzpsb.uz


### ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **31 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 14-19, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **31 майда** Тошкент шаҳрида об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3958 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 506

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.35 1 2 3